



Legal basis of implementation of social responsibility of transnational corporations in international law

Komron NIGMATOV¹

The University of World Economy and Diplomacy

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

human rights,
reports,
mechanisms,
states,
national interests,
conflicts.

ABSTRACT

This article discusses the issues and some scientific and theoretical foundations of the social responsibility of transnational corporations as a form of international legal responsibility. The author analyzed and took part in the scientific discussion of international documents relating to the social responsibility of transnational corporations for human rights violations. In particular, the problems of establishing specific obligations in international law for corporations and their further improvement in the field of human rights protection are studied in detail, and proposals based on scientific findings are put forward.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp68-72>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Халқаро ҳуқуқда трансмиллий корпорациялар ижтимоий жавобгарлигини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

инсон ҳуқуқлари,
ҳисоботлар,
механизмлар,
давлатлар,
миллий манфаат,
зиддиятлар.

Мазкур мақолада халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури сифатида трансмиллий корпорацияларнинг ижтимоий жавобгарлигининг масалалари ва унинг айрим илмий-назарий асослари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан инсон ҳуқуқларини бузганлик учун трансмиллий корпорацияларнинг ижтимоий жавобгарлигига оид халқаро ҳужжатлар таҳлил қилинган ва илмий мунозарага киришилган. Хусусан, халқаро ҳуқуқда мазкур соҳада корпорациялар учун аниқ мажбуриятлар белгилаш ва уларни янада такомиллаштириш муаммолари атрофича таҳлил қилиниб, илмий хулосаларга асосланган таклифлар илгари сурилган.

¹ Independent Researcher, The University of World Economy and Diplomacy. Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: tillabola7@gmail.com

Правовые основы реализации социальной ответственности транснациональных корпораций в международном праве

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

права человека, отчеты, механизмы, государства, национальные интересы, конфликты.

В данной статье рассматриваются вопросы и некоторые научно-теоретические основы социальной ответственности транснациональных корпораций в качестве формы международно-правовой ответственности. Автором проанализировано и принято участие в научной дискуссии международных документов, касающихся социальной ответственности транснациональных корпораций за нарушения прав человека. В частности, подробно исследованы проблемы установления конкретных обязательств в международном праве для корпораций и их дальнейшего совершенствования в области защиты прав человека и выдвинуты предложения, основанные на научных выводах.

Маълумки, халқаро ҳуқуқда трансмиллий корпорациялар (бундан буён – ТМК) ижтимоий жавобгарлиги назариясига (бундан буён – КИЖ) кўра, компаниялар ихтиёрий асосда янада мукаммаллашган жамият қурилиши ҳамда янада соф атроф табиий муҳитининг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Мазкур назарияга кўра, КИЖи иштирокчилар томонидан мажбуриятларни ихтиёрий қабул қилиш ҳисобланар экан, ташқи мажбурловчи механизмларга эҳтиёж мавжуд эмасдек бўлиб кўринадилар. Бироқ бунга эҳтиёж мавжуд бўлиб, ўз шерикларини (давлат, жамият ва бошқалар) текшириш имконини берадиган ишончли ва оддий усуллар орқали корпоратив тамойиллари ҳақида жамоатчилик олдидан хабардор этишни ТМКларнинг ўзлари истайдилар.

Баъзи ТМКларни ижтимоий ва экологик ҳисоботлари (ёки молиявий ҳисоботнинг бир қисми сифатида бериладиган бундай маълумот), миллий қонунчилик талаб қилувчи кам учрайдиган ҳолатлардан ташқари [1], қолган ҳисобот беришнинг барча ташаббуслари ихтиёрий саналади. 2022 йилда КПМГ халқаро аудиторлик ташкилоти (KPMG) берган маълумоти бўйича дунёнинг топ 250 та энг йirik ТМКларининг 96 фоизи ўзларининг молиявий ҳисоботларига қўшимча равишда экологик ва ижтимоий ҳисоботларни ёки барқарор ривожланиш бўйича ҳисоботларни тақдим этади. Ҳатто ҳисоботларнинг маълум қисми холисона равишда ТМКга алоқаси бўлмаган бошқа мустақил ташкилотлар томонидан текшириб чиқиладилар [2].

Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисоботларнинг сони одатда камроқ бўлади, сабаби, ҳисоботларнинг асосий предметини соғлиқ, хавфсизлик чоралари ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ташкил этади. Ўз ичида молиявий, ижтимоий ва экологик маълумотларни бир ёки бир неча ҳисоботларда жамлаган ҳисоботлар “учталиқ ҳисоботлар” сифатида ном қозонган [3]. КИЖ бўйича икки асосий халқаро бошқарувчи ҳужжатлар, яъни Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг Бошқарувчи тамойиллари ва БМТнинг Глобал пакти ТМКлар фойдаланиши мумкин бўлган ҳисобот беришнинг аниқ механизмларини ўзида акс эттирмаган.

Шунга қарамай, Глобал пакт аъзо компаниялардан ўз йиллик ҳисоботларида (ёки унинг аналогларида) “компаниялар томонидан Глобал пакт ва **9 та** тамойилни амалга ошириш усуллари тавсифи”ни чоп этишларини талаб қилади [4] ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ушбу тамойилларни бошқарув амалиётига татбиқ қилади. Сўнгра ТМКлар пактнинг глобал сиёсий суҳбатларида маҳаллий ўзаро ҳамкорлик тизимларини яратиш, ўз билимлари ва тажрибасини оммалаштириш, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларини кўзловчи ваколатхоналари ва бошқа фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида таклиф қилинади ва иштирок этади.

Бугунги кунда деярли барча аудиторлик ташкилотлар КИЖи бўйича ҳисоботларни қўшимча материал сифатида эътиборга олади [5]. Шу билан бир қаторда, баъзи мамлакатларда икки қарама-қарши кучларни, яъни ихтиёрий ҳисобот бериш ва миллий ёки ҳукуматлараро тартибга солишни биргаликдаги жамланмаси учрайди. Нима бўлганда ҳам, ихтиёрий ҳисоботларни тузилиши ТМКнинг барча ҳамкорларига, шу жумладан истеъмолчиларга ҳам йўналтирилган бўлиб, ҳисоботлар ўзларида Глобал пакт тамойилларида ифодаланган кўрсаткичларни акс эттиргандагина ишончли бўлади. Чунки истеъмолчилар ва манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотлар қайд этилган ҳар бир кўрсаткични синчковлик билан текширишга ҳаракат қилади.

Энди эса КИЖи интеграция қилинган бошқарув ҳамда корпоратив бошқарув тушунчаларига тўхталамиз. Модомики, КИЖ концепцияси ТМК фақат акционерлар олдида мажбуриятлари борлиги эмас, балки ўз шериклари олдида ҳам мажбуриятлари борлиги ёндашувига асосланар экан, акционерларни истеъмолчилардан устун қўйиш анъанасига амал қилаётган ТМКлар ўз бошқарув тизими ва усуллари ўзгартириши керак бўлади.

ТМКлар ижтимоий жавобгарлиги концепциясини амалга оширишда маркетинг йўли билан ёндашиш ҳам ихтиёрий ҳаракат ҳисобланади. Гарчи ТМКлар хайрия функциясини доимо бажариб келмасаларда, улар филантропик ташкилотлар ҳисобланади. Яқин кунларгача ТМКлар инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ва экологик ривожланишни илгари суриш ўрнига, аксинча, мустамлакачилик ва ривожланаётган давлатлардаги оғир сиёсий-иқтисодий ва молиявий аҳволдан фойдаланиб, максимал равишда фақат фойда олишга ҳаракат қилган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, қонун КИЖини ихтиёрий татбиқ этилишини тушунтириб беришга ожизлик қилади. Ҳатто, стратегик маркетинг ҳам ТМКларнинг КИЖини ихтиёрий қабул қилишини ёритишда қийинчиликка учрайди.

Фактларга асослансак, фонд бозори нуқтаи назаридан қараганда жамият томонидан бизнесни қандай қабул қилиниши, мазкур бизнес самарасига бевосита таъсир ўтказади. Масалан, Белгияда 1999 йилда кока-кола ичимлигида ифлосланган моддалар мавжудлиги бўйича оммавий ахборот воситаларида хабар тарқатилади. Натижада компания 1 млрд доллар зарар кўради ва 30 млнга яқин товарини қайтариб олади ҳамда компания акциялари 40 фоизга қадрсизланади. Аммо кейинчалик таҳлиллар ичимлик таркибида ҳеч қандай зарарли модда йўқлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, ТМК оммавий ахборот воситалари билан ишлаш стратегиясини нотўғри олиб борганлиги сабабли, оммавий ваҳима қурбонига айланади [6].

Бундан ташқари, фонд бозори ҳам КИЖнинг аҳамияти юқорилигини тан олди. Натижада, компаниялар машхур “FTSE” (Британия фонд биржаси индекси) ва “Dow Jones” (АҚШ саноат индекси) тегишли “FTSE4GOOD” ва “DJSI” листингларига (рўйхатига) кириш учун фаолиятларида атроф-муҳит, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари, ҳамкорлар билан муносабатлар борасида бир қатор талабларга жавоб беришлари лозим бўлди [7]. Гарчи бундай ташаббусларни молиявий таъсир ўтказиши анча савол остига олинсада, мазкур турдаги листинглар ижтимоий жавобгарлик шаклидаги инвестиция киритиш учун муҳим аҳамият касб этади.

1990 йилларда Танзаниядаги Булияхулу олтин конида олтин қазиб олишни “Acacia Mining plc” компанияси қўлга киритади. Унда 200 мингга яқин маҳаллий аҳоли мажбурий равишда уйдан кўчирилгани Халқаро амнистия ташкилоти томонидан баён этилади. Ҳаттоки компания томонидан ишлаб турган кончиларни бульдозерлар орқали тириклайин кўмиб юборилгани ҳақида гаплар ҳам тарқаган. Бироқ, полиция бу хабарларни рад этади. Шунингдек, мазкур конга оид Халқаро молиявий корпорация Омбудсмани ҳисоботида [8] қотилликлар юз бермагани қайд этилган. Халқаро амнистия ташкилоти мутахассислари эса мамлакатга туристик виза орқали кириб келишганлиги сабабли, уларнинг кон фаолияти билан танишиш сўровига рад жавоби берилади.

Аммо ушбу мамлакатда мажбурий кўчиришлар ва инсонлар ҳаётига ҳурматсизликларни сир тутишга ҳаракат қилиниши жаҳон ҳамжамиятини анча ташвишга солди. Умид қиламизки, бу уринишлар ва кўнгилсиз воқеалар Халқаро молиявий корпорациянинг бутун ташкилоти томонидан эмас, балки айрим шахсларни фаолияти натижасида юз берган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари ТМКлар томонидан аксарият ҳолларда қазиб олиш ва тўқимачилик саноати соҳаларида бузилишини кузатишимиз мумкин. Халқаро ҳамжамият превентив характердаги аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни кўришга қодир эмаслиги оқибатида шуни хулоса қиламизки, самарали тартибга солиш фақатгина давлатлар томонидан амалга оширилиши мумкин экан.

Анъанавий парадигмага кўра, халқаро ҳуқуқ давлатлар ва камдан-кам ҳолатларда жисмоний шахслар гарданига мажбуриятларни қўйсада, фикримизча, халқаро ҳуқуқий тизим ТМКлар учун ҳам мажбуриятлар ишлаб чиқиши мумкин бўлади. Назаримизда, халқаро ҳуқуқ бундай мажбуриятлар билан ТМКларни таъминлай олади ва таъминлаши керак бўлади. Шу билан бирга, бир неча йирик халқаро ТМКлар ҳар қандай мамлакатда, жумладан, бундай ҳуқуқлар охиригача тан олинмаган мамлакатларда ҳам инсон ҳуқуқларига оид асосий қоидаларга, меҳнат ҳуқуқларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид нормаларга амал қилишга ўзларининг розиликларини билдирган. Масалан, таҳлил давомида қайд этилганидек, баъзи ТМКлар Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг Бошқарувчи тамойиллар ва БМТнинг Глобал пактини имзолаган [9].

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги ТМКлар фаолияти бир-биридан анча фарқ қилади. Бу эса ўз навбатида, ривожланиш даражаси турлича бўлган давлатларда, ТМКларнинг фаолияти ва ҳуқ-атвори турлича бўлишини англатади. Айниқса, бу ҳолат ривожланаётган давлатларга тегишлидир. Йирик халқаро ТМКларнинг манфаатлари бошқа давлатлар миллий бойлиги билан бирга унинг миллий манфаатлари билан ҳам қарама-қаршиликка учрайди.

Шу билан бирга, давлатларнинг миллий манфаатларига трансмиллий маблағни салбий таъсир кўрсатишининг бир қанча асослари бор [10]: ТМКлар давлатнинг миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган соҳаларига кириб кетишлари мумкин, бу эса мамлакатнинг ривожланишига салбий таъсир ўтказди. ТМКлар маҳаллий компанияларга кучли рақобат яратиб, уларни ривожланиш имкониятларини пасайтириб қўйишлари мумкин. Шунингдек, ТМКлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида уни қабул қилаётган давлатнинг миллий манфаатларига гоҳида тўғри келмайдиган йўналишда кучли сиёсий босим ўтказди. Шунингдек, керакки, турли сабабларга кўра, ТМКлар ҳокимиятни иқтисодий йўл билан сақлаб қола олмаганида ёки уларнинг манфаатлари бузилган жойларда одатда ҳарбий можаролар юзага келади.

Шунингдек, ТМКларнинг хорижий филиаллари ёки бўлинмалари билан уларни қабул қилаётган давлат ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб тузилишга эга бўлади. Бунинг асосий сабаби шундаки, қабул қилаётган давлатнинг миллий манфаатлари чет эл ТМКлари учун ҳар доим иккинчи даражали бўлиб қолади. ТМКлар қабул қилаётган давлатнинг миллий манфаатларига мослашмайди ёки бунга унчалик ҳаракат ҳам қилмайди. Улар гўёки “давлатдан устун” туради ҳамда бу билан давлатларга зарар келтириши мумкин. Шунинг учун, ТМКларни қабул қилаётган ҳар қандай давлат хорижий инвестор билан маҳаллий аҳоли ўртасида турли қийинчилик ва зиддиятлар юзага келиши мумкинлигини англаши ва бунга тайёр бўлиши керак бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Relative aux nouvelles régulations économiques. LOI n 2001-420 du 15 mai 2001. Article 7 (<https://www.legifrance.gouv.fr/jorf/id/JORFTEXT000000223114>) (2023 йил, 22 апрель)
2. KPMG, Big shifts, small steps: KPMG Survey of Sustainability Reporting, the report for 2022 (<https://info.kpmg.us/news-perspectives/industry-insights-research/2022-sustainability-reporting.html>) (2023 йил, 22 апрель)
3. Simon Zadek, Richard Evans, Peter Pruzan. Building Corporate Accountability Emerging Practice in Social and Ethical Accounting and Auditing. Routledge, 1997, p. 37-41
4. The Ten Principles of the UN Global Compact, 2002 (<https://www.unglobalcompact.org/what-is-gc/mission/principles>) (2023 йил, 24 апрель)
5. KPMG launches multi-year program to accelerate global solutions for Environmental, Social and Governance issues, Collaborations and Alliances, 2021 (<https://kpmg.com/xx/en/home/media/press-releases/2021/10/kpmg-program-accelerates-solutions-for-esg-issues.html>) (2023 йил, 22 апрель)
6. Luisa Dillner. A case of mass hysteria. London: The Guardian, 6 July, 1999
7. Индекс FTSE4GOOD, группа FTSE (http://www.ftse4good.com/media_centre/factsheets/ftse4good.-pdf) (2023 йил, 23 апрель)
8. Siri Lange. Gold and governance: legal injustices and lost opportunities in Tanzania. Oxford University Press, 9 February, 2011 (<https://www.cmi.no/publications/file/3894-gold-and-governance.pdf>) (2023 йил, 25 апрель)
9. Jeffrey L. Dunoff, Joel P. Trachtman. Economic Analysis of International Law // Yale Law Journal, 1999, p. 54-55